

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

БОБОЕВ МИРШОД МУРОТОВИЧ

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ
ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Бобоев Миршод Муротович

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг
ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш3

Бобоев Миршод Муротович

Совершенствование организационно-правовых основ цифровой
трансформации деятельности органов прокуратуры27

Boboev Mirshod Murotovich

Improvement of organizational and legal bases of digital transformation for the
activity of prosecutor bodies49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published scientific works.....53

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

БОБОЕВ МИРШОД МУРОТОВИЧ

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ
ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Үу797-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мамасиддиқов Музаффаржон Мусаҷонович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Раҳимов Фаҳри Хайдарович юридик фанлар доктори, профессор Бозаров Сардор Соҳибҷонович юридик фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Үу.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 04 декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (31-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42, e-mail: info@proacademy.uz)

Диссертация автореферати 2023 йил 17 ноябрда тарқатилди.

(2023 йил 17 ноябрдаги 10-рақамли реестр баённомаси).

Ш.А. Қулматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раисининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И. Шайзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Д.М. Миразов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раисининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда рақамли технологиялар инсонлар ҳаётига шунчалик сингиб кетдики, бугунги кунда нафақат кундалик фаолиятимиз, балки ижтимоий-иқтисодий соҳалар, давлат хизматлари ва давлат бошқаруви ривожини уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Рақамли трансформация ижтимоий ва иқтисодиёт соҳалар, шунингдек давлат органлари, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этишда асосий тенденция сифатида қаралмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЕСД)нинг¹ 2014 йилдаги Рақамли ҳукумат стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича тавсияномасида ҳам “электрон ҳукумат”дан “рақамли ҳукуматга” ўтиш, давлат бошқарувида рақамли технологиялардан фойдаланишни кўллаб-қувватлаш илгари сурилган.² G5 Benchmark 2021 асосида ўтказилган таҳлилларга кўра, жами 94 мамлакатда тармоқлараро рақамли сиёсат ёки стратегиялар мавжуд.³

Жаҳонда рақамлаштириш бўйича миллий стратегияларнинг муҳим йўналишлари сифатида асосий устуворликлар киберхавфсизлик, давлат бошқарувини, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш ҳамда унинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилмоқда. Шунингдек, дунё мамлакатлари мослашувчан, инновацион ва ҳамкорликка асосланган бошқарув ечимларини, рақамли технологияларни ривожлантиришнинг комплекс стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни нафақат ижтимоий-иқтисодий соҳалар, балки давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва қонунлар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ фаолиятига ҳам кенг жорий этишга эътибор қаратмоқда. Бу эса прокуратура органларидан суриштирув ва тергов жараёнларида замонавий ахборот технологияларни кенг жорий этиш, прокуратура органларида ҳужжатлар айланиши, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда прокуратура фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш заруриятини юзага келтирмоқда.

Янги Ўзбекистон шароитида рақамли технологияларни ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланиб, “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси қабул қилинган.⁴ Стратегия доирасида прокуратура ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларнинг фаолиятини рақамли технологияларни жорий қилган ҳолда ташкил этишга қаратилган устувор йўналишлар белгиланди. Айниқса, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш вазифаси

¹ Organisation for Economic Co-operation and Development // <https://ru.wikipedia.org>

² <http://www.oecd.org/gov/digital-government/Recommendation-digital-governmentstrategies.pdf>

³ National digital transformation strategy – mapping the digital journey. 06.07.2023 // Digital Regulation Platform <https://digitalregulation.org/national-digital-transformation-strategy-mapping-the-digital-journey/#post-3004697-footnote-ref-5>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5030957>.

юклатилган прокуратура органларининг фаолиятини рақамли трансформация қилиш, прокурор назорати соҳасини тўлиқ тавсифловчи маълумотларни тўплаш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва сақлашнинг ягона тизимини яратиш, ушбу соҳада ахборот технологияларидан фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатларини кўриб чиқиш, шунингдек, прокурор назоратини ташкил этишда ахборот технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (2001), “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги (2003) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2016), “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022) Фармонлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари ва мавзуга оид бошқа қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация мавзуси шу кунга қадар Ўзбекистон Республикасида мустақил тадқиқот объекти сифатида махсус монографик жиҳатдан тадқиқ қилинмаган. Мамлакатимизда фақатгина судлар фаолиятини рақамлаштириш билан боғлиқ қуйидаги: Ф.Ф.Мухитдинова, М.М.Мамасиддиқов, Х.Т.Маматов, О.Р.Сулаймонов, Ж.М.Абдуллаев, И.Н.Закирова, Ж.Х.Абдурахмонхўжаев, Л.Х.Ахмедова, О.Ш.Пирматов, Э.К.Сабилов ва Д.У.Ариповнинг⁵ тадқиқот ишларида у ёки бу даражада фуқаролик, иқтисодий ва жиноий суд ишларини юритишнинг ошқоралигини таъминлашнинг процессуал ҳуқуқий асослари ҳамда

⁵ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

жамиятда ОАВнинг ролини оширишга доир масалалар ёритилган. Бироқ, прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мавзусида мамлакатимиз олимлари томонидан комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган.

Хорижий давлатларнинг О.М.Полиева, А.К.Горбуза, В.И.Анишина, Е.Г.Фоменко, А.В.Соколов, С.В. Потапенко каби олимлари томонидан ҳам асосан суд ҳокимияти фаолиятида ошкоралик ва ахборотнинг очиқлиги мавзусида тадқиқотлар ўтказилган. Фақатгина Д.В.Гурулев, В.М.Пашин ва В.В.Павлюков каби олимлар томонидан прокурор назорати фаолиятида ахборот тизимларидан фойдаланиш билан боғлиқ айрим масалалар ўрганилганлигини кўриш мумкин.⁶

Юқорида келтирилган тадқиқотлар таҳлили прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида комплекс тадқиқот иши сифатида алоҳида ўрганилмаганидан далолат беради.

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш тадқиқот иши сифатида илк маротаба тадқиқ этилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг тадқиқот режасига киритилган ва “Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” илмий-тадқиқот иши доирасида амалга оширилган (2020-2023).

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг мақсадлари, вазифалари ва асосий йўналишларини тадқиқ этиш;

прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг босқичлари ҳамда назарий ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этиш;

электрон иш юритуви, прокурор ва тергов фаолиятига оид рақамли технологияларидан фойдаланиш амалиётини ўрганиш;

прокуратура органларида ҳужжатлар айланиши, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ҳамда мазмун-моҳиятини очиб бериш;

⁶ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

прокуратура фаолиятига жорий этилган рақамли технологиялардан фойдаланишнинг хатарлари ва уларни олдини олиш бўйича механизмларни ўрганиш;

прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш бўйича илғор хориж тажрибасини ўрганиш ҳамда қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг асосий йўналишларини аниқлаш, рақамли технологиялардан фойдаланишдаги муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни ҳал қилишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, уни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда билишнинг умумий (манتيқийлик, дедукция, индукция, таҳлил, қиёслаш, моделлаштириш, таҳлил, синтез, умумлаштириш, кузатиш), хусусий (таркибий-функциявий, функциявий, статистик, психологик, тарихий) ва махсус-соҳавий (қиёсий-ҳуқуқий, социологик сўров) ҳамда ретроспектив таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Прокуратура органлари фаолиятига электрон иш юритиш, рақамли тизимларни жорий этиш орқали тергов устидан назорат ўрнатиш, шунингдек судларда прокурор ваколатини рақамли таъминлаш учун прокуратура фаолиятига оид маълумотларни электрон шаклда яратиш, қайта ишлаш, юбориш, қабул қилишни жорий этиш, бу борада “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизимидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш зарурлиги илмий исботланган;

прокуратура органларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан самарали прокурорлик назоратини амалга оширилишига кўмаклашиш мақсадида қонунчилик ижросига оид маълумотларни электрон шаклда йиғиш, сақлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва назорат қилиш имконини юзага келтирадиган ахборот ва дастурий таъминотларни ўз ичига олувчи “Прокурор назорати” ахборот тизимининг ҳуқуқий асослари ва механизмлари асослантилган;

прокуратура органларининг жинойтчилик ҳолати статистикасини юритиш соҳасидаги фаолиятини рақамли трансформация қилишда тизимли таҳлил ва сифатли назоратни йўлга қўйиш, бу соҳада прокурор назоратини амалга оширишда маълумотларнинг аниқ, ишончлилиги ва янада малакали

қайта ишлаш, жиноятлар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш, шунингдек терговга қадар текширув ҳаракатлари устидан прокурор назоратини таъминловчи ахборот тизимларининг ҳуқуқий асослари ва механизмлари асосланган;

прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш мақсадида фан ютуқларидан, инновацион ғоялар, замонавий технологиялар ва ишланмалар, шунингдек ахборот тизимлари ва воситаларидан фойдаланиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни криптографик воситаларни қўллаган ҳолда техник жиҳатдан муҳофаза қилишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишининг зарурати илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни электрон рўйхатга олиш ва уларни кўриб чиқиш натижаларининг ягона электрон ҳисобини юритиш жорий қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши зарурлиги асослантирилди;

судларда прокурор иштироки рақамлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши зарурлиги илмий асослантирилди;

республикамизда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан прокурор назорати соҳаси рақамлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши зарурлиги илмий асослантирилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-12-сон Фармонида одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси фаолиятида 2023 йил 1 сентябрга қадар “Судларда прокурор иштироки” ахборот тизимини яратиш, дастлаб синов тарзида ишга тушириш ҳамда 2024 йилдан амалиётга тўлиқ жорий этиш, Олий суд билан биргаликда 2023 йил 1 июлдан Бош прокуратура ва Олий суд ахборот тизимларини интеграция қилиш йўли билан ўзаро ҳужжат алмашинувини тўлиқ йўлга қўйиш тартибини ҳуқуқий таъминлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли прокуратура – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони лойиҳасини ишлаб чиқишда таклиф ва тавсиялар билан иштирок этилди;

республикамизда ишлаб чиқиладиган ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотлар бўйича барча техник топшириқларда прокурор назорати таъминлаш бўйича алоҳида тартиб жорий қилиш ҳамда техник топшириқларнинг ягона базасини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш зарурати, аҳамияти ҳамда рақамлаштиришнинг прокурор назорати самарадорлигини оширишдан келиб чиққан ҳолда “Электрон ҳужжат айланиши”, “Прокурор назорати”, “Электрон жиной-ҳуқуқий статистика” каби ахборот тизимлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ахборот хавфсизлиги сиёсатини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи қабул қилинди;

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчилари ҳамда докторантлари томонидан тадқиқ этилаётган илмий ишларни амалиёт ходимлари билан масофадан туриб муҳокама қилиниши ҳамда амалий таклифлар билан чамбарчас боғлаш имконини берувчи тизим жорий этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланганлиги, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Бундан ташқари, хулосалар ижтимоий сўров натижалари ва прокуратура органларининг 2012-2022 йиллардаги фаолиятига доир статистик маълумотлар билан асослантилган, иш юритиш ва ҳужжатлар ижроси натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли орган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси) томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот доирасида 1.679 нафар масъул ходимлар иштирокида икки марта махсус дастур воситасида ижтимоий сўровлар ўтказилган. Сўровлар орқали, тадқиқот иши давомидаги айрим баҳс-мунозарали масалаларда муайян хулосага келиш, шунингдек илмий изланишлар якуни бўйича яратилган ғоялар юзасидан масъул ходимларнинг муносабати ўрганилган. Аҳамиятли жиҳати, мазкур социологик тадқиқотга прокуратура органларида фаолият юритаётган турли даражадаги масъул ходимлар кенг жалб этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш юзасидан илмий изланишлар олиб бориш, қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Прокурор назорати”, “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти”, “Ахборот ҳуқуқи” каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзунини тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни, “Прокурор назорати” ахборот-ҳуқуқий йўналишидаги илмий тадқиқотларда,

норма ижодкорлигида, прокуратура ва суд амалиётида, “Прокурор назорати”, “Судларда прокурор иштироки”, “Хукукни муҳофаза қилувчи органлар”, “Ахборот ҳукуқи” ва бошқа махсус модуллардан маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтишда, дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мазкур диссертация тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар амалиётга қуйидагича жорий этилган:

прокуратура органларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан самарали прокурорлик фаолиятини амалга оширилишига кўмаклашиш, прокурор фаолиятига оид маълумотларни электрон шаклда яратиш, қайта ишлаш, юбориш ва қабул қилишни таъминлашга қаратилган ахборот тизимидан фойдаланиш зарурлигига оид таклифлар прокуратура органлари фаолиятига жорий қилинган “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизимида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 31 октябрдаги 23/7-45-23-сонли далолатномаси). Мазкур ахборот тизимининг жорий қилиниши прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлиги, тезкорлиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилган;

прокурор назорати самарадорлигини кучайтириш учун прокуратура фаолиятига оид маълумотларни электрон шаклда яратиш, қайта ишлаш, юбориш, қабул қилишни назарда тутувчи “Прокурор назорати” ахборот тизими ишлаб чиқилган ва прокуратура органлари фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 31 октябрдаги 23/7-43-23-сонли далолатномаси). Мазкур ахборот тизимининг жорий қилиниши вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилган;

жиноятлар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, терговга қадар текширув ҳаракатлари устидан прокурор назоратини таъминлашга қаратилган ахборот тизимларини яратиш ҳақидаги таклифлар “Электрон жиноий-ҳукуқий статистика” ва “e-material” ягона ахборот тизими ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 31 октябрдаги 23/7-44-23-сонли далолатномаси). Мазкур ахборот тизимларининг жорий қилиниши прокуратура фаолиятида тизимли таҳлил ва сифатли назоратни йўлга қўйиш, прокурор назоратини амалга оширишда маълумотларнинг аниқ, ишончлилиги ва янада малакали қайта ишлаш, жиноятлар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш, шунингдек,

терговга қадар текширув ҳаракатлари устидан прокурор назоратининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган;

прокуратура органлари ўз фаолиятида фан ютуқларидан, инновацион ғоялар, замонавий технологиялар ва ишланмалар, шунингдек ахборот тизимлари ва воситаларидан фойдаланиши, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни криптографик воситаларни қўллаган ҳолда техник жиҳатдан муҳофаза қилишни таъминлаши ҳақидаги норма киритиш ҳақида таклифдан янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг 19-моддаси таҳририда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармасининг 2023 йил 20 октябрдаги 27/2-398-23-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан самарали фойдаланиш орқали прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 2 та илмий анжуманда, жумладан 1 та халқаро, 1 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 8 та, шундан 2 та хорижда, 6 та илмий журналларда, шунингдек 4 та тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Ишнинг ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари**” деб номланиб, учта параграфдан иборат. Биринчи параграф “Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг илмий-назарий тавсифи”га бағишланган. Унда, “рақамли технологиялар”, “рақамлаштириш”, “рақамли трансформация”, “ахборот-коммуникация технологиялари” каби

бир қатор янги тушунчалар таҳлил қилиниб, мазкур тушунчаларнинг аҳамияти ва мазмуни унинг бугунги кунда дунё ҳамжамиятида давлатларнинг нуфузини белгиловчи омиллардан бирига айланганлиги, дунё давлатларининг халқаро индекс ва рейтинглардаги ўрни айнан рақамли трансформацияларнинг жорий қилинганлик даражасига бевосита боғлиқлиги билан белгиланиши асослангандир.

Мазкур параграфда давлат органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш юзасидан ўрганилган тушунчалар, соҳа олимлари ва мутахассислар (С.Адилходжаева, С.Садиқов, Н.Асқаров, А.Овчинников, В.В.Бессонова, А.С.Жукова, А.Мирсоатов)нинг фикрларидан ҳамда давлат органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг алоҳида таърифи мавжуд эмаслигидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги муаллифлик таърифи илгари сурилди: “давлат органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш бу давлат органларининг вазифа ва функцияларини бажаришда мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланишини таъминлайдиган, давлат бошқарувига оид маълумотларни электрон шаклда йиғиш, сақлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва назорат қилиш имконини юзага келтирадиган ахборот ва дастурий таъминотлар тизимидир”.

Диссертант А.Овчинников, В.В.Бессонова, А.С.Жукова каби олимларнинг рақамлаштиришнинг афзалликлари ва аҳамияти тўғрисидаги ёндашувларини ўрганиб, уларни прокуратура органлари фаолиятини рақамлаштириш тушунчасига берилган таъриф сифатида баҳолаб бўлмаслигини, “прокуратура органлари фаолиятини рақамлаштириш” тушунчаси унинг мазмун-моҳиятини аниқлаш алоҳида юридик таърифга эга бўлиши зарурлигини асослангандир. Муаллифнинг фикрича, прокуратура фаолиятини рақамлаштириш қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида прокурор назоратининг юқори технологиялар асосида ташкил этилиши, прокуратура органлари фаолиятининг сифати ва даражасини оширишга хизмат қилувчи автоматлаштирилган дастурлар, электрон ҳужжат айланиши ва сунъий интеллектни жорий этиш, прокуратуранинг “ташқи дунё” билан боғлайдиган ва ҳар қандай субъект – фуқаро, ташкилот, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқалар исталган вақтда прокуратура органлари билан боғланиб, прокурор текширувлари натижалари билан танишиш имкониятига эга бўлиш, фуқаролар муурожаатларининг ҳаракатини кузатиш, шикоятлар сонини ҳуқуқбузарлик турлари бўйича автоматик ҳисоблаш, ҳудудлар кесимида қонунийлик ҳолати тўғрисида онлайн маълумотга эга бўлиш имконини берадиган мураккаб ва кўп босқичли жараён эканлигини эътиборга олиш лозим.

Параграф доирасида прокуратура фаолиятини рақамли трансформация қилишни қуйидаги тартибда тизимлаштирган ҳолда амалга оширилиши асослангандир: прокуратура органларига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда мавжуд куч ва воситалардан, ходимларнинг салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш; республикамизнинг тараққиёти даражасини янада юксалтиришда энг қисқа йўлдан боришга имкон яратиш

мақсадида барча жараёнлар ҳамда идоралараро муносабатларни соддалаштириш; фаолиятнинг очиклигини, самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш орқали фуқаролар ва жамият олдида масъулиятни ошириш; ижро интизомини кучайтириш; коррупцияга йўл бераётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, олдини олиш ва уларни бартараф қилиш; мансабдор шахслар билан шахсий алоқаларни минималлаштириш, мансабдор шахсларнинг даромадлари ва харажатлари устидан назоратни кучайтириш; халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимиз ўрнини яхшилаш; прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда аниқ рақамлар ва кўрсаткичларга асосланиш; ижобий кўрсаткичларга эришаётган соҳа масъул ходимларига нисбатан рағбатлантириш тизимларини фаол қўллаш; баҳолаш тизимини инсон омилидан ҳоли қилиш.

Диссертант прокуратура органлари фаолиятини рақамлаштириш заруратини қуйидаги тартибда умумлаштириш ҳақида ўз хулосаларини илгари суради: республикамизда амалда бўлган 37 мингдан ортиқ (lex.uz) қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат прокуратура органлари масъул ходимларидан катта куч ва энергия талаб қилиши маълум. Соҳани рақамлаштириш орқали прокуратура органлари фаолиятида “тартибга солиш”, “текшириш”, “назорат қилиш” бўйича юкламалар меъёрлашади; рақамли технологиялар фаолият самарадорлигини, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириши билан бирга йўл харажатлари, қоғоз билан боғлиқ харажатлар, чоп этиш билан боғлиқ харажатлар, моддий-техник база билан боғлиқ ортиқча харажатларни ҳам камайтириш имконини юзага келтиради. Ўрганишларга кўра, прокуратура органлари фаолиятини рақамлаштириш, “электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизимидан фойдаланиш натижасида биргина 2019 йилнинг 4-чорагидан 2023 йилнинг август ойига қадар 629 тонна қоғоз тежалган. Шунингдек, тизимда видео-конференцалоқа ҳамда аудио-конференцалоқа имкониятларидан фойдаланиш натижасида туман (шаҳар) прокуратура ходимлари вилоят прокуратураларидаги йиғилиш ва семинарларга масофадан қатнашиши ходимларнинг йўл ва транспорт харажатларини, энг асосийси йўл транспорт ҳодисаларини кескин камайтириш имкони юзага келмоқда. Ундан ташқари, фуқароларнинг прокуратура органларига мурожаатлари учун ҳам қулай шароит юзага келган. Маълумотларга кўра, биргина Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси орқали 2021 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда унинг ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига 167.631 та мурожаат келиб тушган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 212.061 тани ташкил қилган.⁷

“Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш зарурати ва рақамли дастурларнинг бугунги ҳолати” деб номланган иккинчи параграфда бугунги кунда прокуратура органлари фаолиятида қўлланилаётган рақамли дастурлар, ахборот тизимлари, уларнинг

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси – https://pm.gov.uz/uz#/stat_app_root

имкониятлари ва афзалликлари таҳлил этилган. Муаллиф прокуратура органлари фаолиятида технологик жиҳатдан мустақил бўлиш соҳа фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг муҳим йўналиши эканлиги ҳақида ўз хулосаларини асослашга ҳаракат қилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларнинг дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқишда аутсорсинг тизимидан фойдаланишни таҳлил қилар экан, бунинг бир қатор салбий оқибатлари тўғрисида ўз хулосаларини билдиради: назоратни йўқотиш: ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муайян функцияларни аутсорсингга топширилганда, улар ушбу фаолият устидан маълум даражада назоратдан воз кечишига тўғри келади; маълумотлар хавфсизлиги ва махфийликка путур етиши мумкин: аутсорсинг маълумотлар хавфсизлиги ва махфийликка путур етказиш хавфини келтириб чиқариши, бу эса жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин; харажатларнинг ошиб кетиши: аутсорсинг шартномалари дастлаб тежамкор кўриниши мумкин, аммо улар баъзан кутилмаган харажатларга олиб келиши мумкин; шартнома шартларини муддатида бажармаслик ва хизмат сифати билан боғлиқ муаммолар; жамоатчилик ишончи билан боғлиқ муаммолар: асосий функцияларни таъминловчи дастурий маҳсулотларни аутсорсингга топширилганда, жамоатчилиكنинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳақидаги фикрига салбий таъсир кўрсатиши мумкин; манфаатлар тўқнашуви: аутсорсинг субъектлари ўз манфаатлари ва мақсадларига эга бўлиши мумкин.

Прокуратура органларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан самарали прокурорлик назоратини амалга оширилишига кўмаклашиш мақсадида қонунчилик ижросига оид маълумотларни электрон шаклда йиғиш, сақлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва назорат қилиш имконини юзага келтирадиган ахборот ва дастурий таъминотларни ўз ичига олувчи “Прокурор назорати” ахборот тизимининг ҳуқуқий асослари ва механизмлари яратилганлиги, прокуратура органлари фаолиятида қўлланилаётган рақамли дастурлар орқали 2022 йил давомида ахборот тизимида жами 7 млндан ортиқ ҳужжат ҳаракатлантирилганлиги, бу эса ўрта ҳисобда йил давомида 12,5 млрд сўм маблағни тежаш имконини берганлиги илмий ишда ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, параграф доирасида прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш ва рақамли дастурларнинг бугунги ҳолати прокуратура органларида ахборот тизимларини жорий этиш, идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил этиш, маълумотларни қайта ишлаш маркази ва химояланган корпоратив тармоқ фаолиятини таъминлаш, корпоратив видеоконференц-алоқа тизими ишлашини таъминлаш, корпоратив IP-телефония тизими ишлашини таъминлаш, эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби йўналишларда тадқиқ қилинган.

Бугунги кунда қўлланилаётган рақамли трансформациялар прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида ҳужжатлар айланиши учун кетадиган вақтнинг қисқаришига, прокурор назоратининг самарадорлик кўрсаткичлари ортишига, қонунчиликка риоя этиш ҳолати

онлайн (масофавий) ўрганилиб, қонун бузилиши ҳолатларига онлайн (масофавий) муносабат билдириш имконияти яратилишига, коррупцияга йўл бераётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, олдини олиш ва таҳлил қилиш учун кенг имкониятлар яратилишига хизмат қилиши асослантилган.

Мазкур бобнинг учинчи параграфи “Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари”га бағишланган бўлиб, унда прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари шаклланишининг тарихий босқичлари, ривожланиш тенденциялари илмий таҳлил этилган. Таҳлиллар натижасида ҳар бир босқичнинг аҳамиятли жиҳатлари ўрганилиб, ўзига хос тенденциялар, амалга оширилиши лозим бўлган йўналишлар аниқланган. Диссертант томонидан прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари шартли равишда учта босқичга бўлиниб ўрганилган.

Биринчи босқичга рақамлаштиришнинг дастлабки даври сифатида 1991-2015 йилгача бўлган давр киритилган. Мазкур дастлабки босқич алоқа ва телекоммуникация соҳасини ривожлантиришга хизмат қилувчи қонунчилик базасини яратиш билан бошланган. Биринчи босқичда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосан фаолиятни ахборотлаштириш, ҳар бир тармоқда маълумотлар базасини шакллантириш, ушбу мақсадда дастурий таъминотлар яратиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга йўналтирилганлиги тадқиқ қилинган.

Иккинчи босқичга 2015-2018 йилга қадар бўлган давр киритилган. Мазкур босқичда прокуратура органлари ахборот-коммуникация инфраструктураси, жумладан оптик толали алоқа линиялари асосида туман даражасигача бўлган хавфсиз корпоратив компьютер тармоғини яратилганлиги, маълумотларни қайта ишлаш марказини барпо этилганлиги, хавфсиз электрон почта жорий этилганлиги ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 16 ноябрдаги “Прокуратура органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2433-сон, 2016 йил 29 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2568-сонли қарорлари билан прокуратура органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш жараёнлари илмий тадқиқ қилинган.

Учинчи босқичга 2019 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган давр киритилиб, унда прокуратура органларида ўз дастурчилари томонидан ишлаб чиқилган ахборот тизимларининг жорий этилиши ва интеграция қилиниши, IP-телефония тармоғи, аудио ва видеоконференцалоқа тизимлари яратилиши ўрганилган.

Диссертант ҳар бир босқичда прокуратура органлари фаолиятида ахборот технологияларни жорий этишнинг долзарблигига бу борада юзага келаётган муайян муаммолар мавжудлиги тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар илгари суради. Бинобарин, Д.В.Гурулев, В.В.Стрельников каби олимлар

билан мунозарага киришган ҳолда прокуратура органларида жорий қилинган рақамли трансформацияни қўллаш, унинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланишда ходимларнинг муайян билим ва кўникмаларга эга бўлишлари зарурлиги, прокуратура ходимларини, талаба ва тингловчиларни босқичма-босқич ўқитиш ва уларнинг кўникмаларини ривожлантиришни мунтазам йўлга қўйиш, кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш дастурларини ишлаб чиқиш, қолаверса, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида тадқиқ этилаётган илмий ишларни амалиёт ходимлари билан масофадан туриб муҳокама қилиниши ҳамда амалий таклифлар билан чамбарчас боғлаш имконини берувчи тизимни жорий этиш юзасидан асосли таклифлар илгари сурилган.

Мазкур параграф доирасида прокуратура органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда қайси омиллар муҳим, деган саволга 1.679 нафар респондентларнинг 639 нафари (38,1 %) замонавий ахборот технологияларини янада кенг жорий этиш зарурлиги тўғрисида яқдил фикр билдирган.

Ушбу параграфда тадқиқ қилинган фикрлар асосида прокуратура органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан давлат бошқарув органлари фаолиятини тўлиқ интеграция қилиш, амалда қўлланилаётган рақамли фаолиятни, ахборот тизимларини қулайлаштириш, прокуратура тизимидаги барча ходимларни рақамлаштириш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш, прокуратура фаолиятини рақамлаштириш бўйича алоҳида стратегия ишлаб чиқиш каби муаллифлик таклифлари илгари сурилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш амалиёти ва унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлили”** деб номланган.

Ушбу бобнинг “Прокуратура органларида ҳужжатлар айланиши, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши” деб номланган биринчи параграфда диссертант М.Шакирьянов, М.Гаврилов, Ф.Мышко ва Е.Кудряшовнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда прокурор назоратининг самарадорлиги кўрсаткичларини ошириш электрон ҳужжатлар алмашинувининг сифати ва даражасига узвий боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда, прокуратура органларида фаолиятни автоматлаштириш ва анъанавий жараёнларни қисқартириш орқали уларнинг тезкорлиги ва унумдорлигини ошириш мақсадида идоралараро электрон ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилади.

Диссертант Бош прокуратура томонидан “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизимини жорий этиш амалиёти, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, унинг афзалликлари, субъектлари ва айрим муаммолари тўғрисида илмий асосланган хулосаларни илгари суради. Унинг фикрича, прокуратура органларида электрон ҳужжат айланиши бу – қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан самарали прокурорлик фаолиятини амалга оширилишига кўмаклашадиган, бюрократик тўсиқларни бартараф этадиган, прокурор фаолиятига оид маълумотларни электрон

шаклда яратиш, қайта ишлаш, юбориш, қабул қилишни таъминлайдиган ахборот тизимидир;

Мазкур параграфда, “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизими ёрдамида 2019 йилнинг 4-чорагидан 2023 йилнинг август ойига қадар 629 тонна қоғоз тежалганлиги, прокуратура органларида электрон ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишга комплекс ёндашув зарурлиги илмий асослантилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот иши давомида прокуратура органларида “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизими ишлаб чиқилган ва прокуратура органлари фаолиятига жорий қилинган.

Параграф доирасида ахборот соҳасидаги киберхавфсизлик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ахборот хавфсизлиги ҳам тадқиқ қилинди. Айниқса, киберхавфсизлик нуқтаи-назаридан бугунги кунда фойдаланилаётган VPN, DMZ, Active Directory, “Check Point” ахборот хавфсизлиги қурилмалари (Firewall ва IDS/IPS функцияларига эга)нинг ҳуқуқий механизмлари ўрганилган. Диссертант Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ахборот хавфсизлиги сиёсатини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғини қабул қилиш зарурати асослантилган. Қолаверса, прокуратура органлари электрон ахборот алмаши-нувида киберхавфсизликни ҳуқуқий тартибга солишда қуйидаги баъзи тавсиялар илгари сурилади: маълумотларни ҳимоя қилиш ва махфий маълумотларни ҳимоя қилиш прокуратура органлари ходимларининг масъулиятини, қонунларга риоя қилиш талабларини ошириш керак; давлат органлари қатъий риоя қилиши керак бўлган махсус киберхавфсизлик стандартлари ва талабларини ҳуқуқий таъминлаш. Ушбу стандартлар шифрлаш, киришни бошқариш ва маълумотларни хавфсиз сақлаш каби чораларни талаб қилади; воқеаларга жавоб беришга тайёрлик: ҳуқуқий базалар прокуратурадан киберхавфсизлик инцидентлари ва маълумотлар бузилиши ҳолатларини тезда бартараф этиш, ходисаларга жавоб бериш режаларига эга бўлишини талаб қилади; халқаро стандартларга мувофиқлик: халқаро киберхавфсизлик стандартлари ва илғор хориж амалиётларга риоя қилиш; малака ошириш: киберхавфсизлик бўйича семинарлар ўтказиш орқали кўпинча ходимлар энг яхши амалиётлар ва талаблар ҳақида хабардор қилинади.

“Қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратида рақамли технологияларни қўллаш масалалари” деб номланган иккинчи бобнинг иккинчи параграфидида прокурор назорати фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишнинг муҳим механизмларидан бири эканлиги, ушбу йўналишда рақамли технологияларни қўллаш прокурор назоратининг самарадорлик кўрсаткичларини ошириши тадқиқ қилинган. Параграф доирасида бир қатор ахборот тизимлар ва улардан фойдаланиш ўрганилган. Маълумотларга кўра, аксарият ахборот тизимлари ушбу йўналишларда прокурор назоратини самарали ўтказиш имконияти мавжуд эмаслиги аниқланган. Чунки, бундай тизимларнинг техник топшириқларида “прокурор назорати”ни таъминлаш

учун алоҳида талаблар белгиланмаган. Муаллиф томонидан ўтказилган сўровномада ҳам иштирок этганларнинг (1679 нафар) 45,6 фоизи фақат прокурор назорати тадбирларида (режавий текширишлар ва ҳ.к.) ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларига монеликсиз кириш ҳуқуқи мавжуд бўлиши лозимлигини, 36,9 фоизи Ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш зарурлигини қайд этиб ўтган. Таҳлил қилинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича ишлаб чиқиладиган ахборот тизимлари бўйича техник топшириқларни шакллантиришда “прокурор назорати” талаби ҳам киритилиши илмий асослантилган.

Мазкур параграф доирасида прокуратура органларида “Прокурор назорати” ахборот тизими ишлаб чиқилиб, прокуратура органлари фаолиятига жорий қилинди.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи “Суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан назоратни амалга оширишда рақамли трансформацияни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари”га бағишланган. Унда прокуратура органларининг жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ суриштирув ва дастлабки терговни олиб боришга масъул субъектлар томонидан қонунларга аниқ ва бир хилда риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш фаолиятини рақамли трансформация қилиш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири сифатида таҳлил қилинди. Параграф доирасида АҚШ, Германия, Финляндия, Қозоғистон тажрибалари ўрганилди. Жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни электрон рўйхатга олиш ва уларни кўриб чиқиш натижаларининг ягона электрон ҳисобини юритиш, “Электрон жиноят иши” юритишни ташкил қилиш ва такомиллаштириш юзасидан муаллифлик таклифлари илгари сурилди. Жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни электрон рўйхатга олиш ва уларни кўриб чиқиш рақамлаштирилганлиги муносабати билан бунинг ҳуқуқий асослари ва механизмини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида мустаҳкамлаш таклифи юзасидан ўтказилган сўровда ҳам, респондентларнинг 72,7 фоизи мазкур таклифни қўллаб-қувватлаган. Шу билан бирга жиноят ишларини юритиш тартибини рақамлаштириш бўйича ўтказилган сўров натижасига кўра, респондентларнинг 58,2 фоизи дастлаб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ишларини юритиш тартибини рақамлаштириш кераклигини таъкидлаган. 1.679 нафар ходимлар ўртасида ўтказилган сўров натижасига кўра, жиноят-процессуал ҳужжатларнинг ягона электрон шакллари (шаблон) қўллашни респондентларнинг 63,1 фоизи мақсадга мувофиқ деб топган.

Суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини рақамлаштириш жиноят процессининг мазкур босқичларида шаффофликни, қонунийликни, ошкораликни таъминлаш, суриштирув ва дастлабки тергов фаолияти устидан таъсирчан прокурор назоратини ўрнатишда муҳим аҳамиятга эгаллиги асослантилган. Тадқиқот давомида “Электрон жиноий-ҳуқуқий

статистика” ягона ахборот тизими ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинди.

Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфи “Судларда прокурор ваколатини таъминлашда рақамли технологияларидан фойдаланиш афзалликлари ва имкониятлари”га бағишланган. Унда судларда қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини ўз вақтида ва сифатли ўрганишга жалб қилинган прокуратура ходимларининг кучи ва вақти бундай юкломани қоплай олиш учун етарли эмаслиги, прокуратура органлари ҳамда судлар ўртасида ахборот алмашинуви тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, маълумотлар қоғоз шаклда алмашилаётганлиги суд қарорларини ўз вақтида ўрганишга ва муносабат билдиришга тўсиқ бўлаётганлигини каби муаммоли ҳолатлар тадқиқ қилинган. Ушбу масалада ўтказилган сўровномада 1.679 нафар респондентнинг 79 фоизи қонун билан прокурор иштирок этиши шарт бўлган ишларнинг судда кўрилиши ҳақида хабардор қилишнинг самарали усуллари татбиқ этиш, суд ва прокуратура идоралари ўртасида электрон маълумотлар алмашувини таъминловчи дастурларни жорий қилиш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини процессуал кодексларда мустаҳкамлаб қўйишни зарур деб ҳисоблаган.

